

“Тасдиқлайман”
Қўқон шаҳар Ободонлаштириш
бошқармаси рахбари

А.Ахмедов

Қўқон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

“Менинг йўлим” лойиҳаси орқали энг кўп овоз тўнлаган Қўқон шаҳар
39-Оқ олтин МФЙ си Хазиний кўчасини ички йўларини жорий таъмирлаш
бўйича

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ УЧУН

ТЕХНИК ТОШШИРИҚ

Қўқон шаҳар 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни

Танлов иштирокчилари учун йўриқнома .

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016 сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоишларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. Танлов предмети ва тахминий қиймати.

1.1. Қўқон шаҳар ободлаштириш бошқармаси томонидан Фарғона вилояти Қўқон шаҳар “Менинг йўлим” ахборот портали орқали энг кўн овоз тўплаган Қўқон шаҳар 39-Оқ олтин МФЙ си Хазиний кўчасини ички йўллариини жорий таъмирлаш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати---287 700 000 (Икки юз саксон етти миллион етти юз миңг сўм).Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифларлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Ушбу танлов якуналари бўйича голибчиққан ташкилот биан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20(йигирма) кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати –буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. Танлов ташкилотчилари.

2.1. Қўқон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади. Почта манзили; Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Фазлий кўчаси №1 уй.томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссиси томонидан ўтказилади

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссиси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қоунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

2.4 Танлов ташкилотчиларидан коррупция кўринишидаги ҳолатларга йўл қўймаслик талаб этилади.

3. Танлов ўтказиш тартиби.

3.1 Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

- танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклар олиш)

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тендер таклифини тақдим этиш.

Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб таомилларида қатнашишдан четлаштиради агар:

-тўғридан тўғри ёки билвосита миждознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ҳодимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи,ини таклифи ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш, давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракаларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаш.

Иштирокчи қонуни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга.

4. Танлов иштирокчилари.

4.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисолашган, камида 3 йил тажрибага эга барча юриди мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

4.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танлов предмети қийматининг камида 20% миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси;

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик –муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- Низом маблағи миқдори

4.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматларни) бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат берилади. Иштирокчилар ўзларининг ташкилотлари ёки фирмаларига таалуқли давлат рўйхатидан ўтказилиб тасдиқланган лицензия, гувоҳнома, ва бошқа зарурий ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

4.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

- Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши), тугатилиши ёки банкротлик арафасида турганлар, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий - ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

-Буюртмачи билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;

-ягона реестрда виждонсиз ижрочилар

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ёки молиявий операцияларни (offshore zonalар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар

4.5. Танлов иштирокчилари талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари , хусусан лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов иштирокчисига) тақдим этилиши ҳақида ёзма мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4.6. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмаслик, коррупция кўринишидаги ҳолатларга йўл қўймаслик тўғрисида ариза тақдим этишлари талаб этилади.

5. Танлов тили, ўлчов бирлиги.

5.1. Танлов таклифи иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек тилида бўлиши керак. Танлов таклифи ўзбек тилига аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак.

6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

6.1. Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

6.2. Рақобатчи: тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақийқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

6.3. Тендер таклифи икки қисмдан иборат.

- нарх қисми танлов шартларига мос келиши ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

-маҳсулот номи, хизматларнинг қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқалар.

6.4. Шунингдек, иштирокчи таклифини шу жумладан барча танлов ҳужжатларини тайёрлаши керак уларни сканерлаштирилган электрон шаклда махсус e tender.uzex.uz. порталига раҳбарнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда жойлаштириши керак.

6.5. Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади.

6.6 Техник таклиф қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак:

-техник ҳужжатлар рўйхати (техник маълумотлар варақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар)

6.7.Ушбу танловга илова қилинган нарх таклифининг мажбурий ҳужжатлари мавжудлигига қўйиладиган талаблар.

6.8. Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

7. Таклифлар бўйича танлов тартиби улрни баҳолаш тартиби ва мезонлари.

7.1 Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт , танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифларни баҳолаш бўйича танлов комиссияси

7.2. таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда танлов комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидирлар.